

Дўстматов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқига
УДК. 331.101.26:519.216.3

МУСТАФАҚУЛОВ ШЕРЗОД ИГАМБЕРДИЕВИЧ

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШНИ ИСТИҚБОЛЛАШТИРИШ

Ихтисослик: 08.00.04 — Микроиқтисодиёт
(Агросаноат мажмуи)

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт
университетининг "Агроиқтисодиёт" кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: Иқтисод фанлари доктори,
профессор
Салимов Бахтиёр Тожиевич

Расмий оппонентлар: Иқтисод фанлари доктори
Мамараимов Қўзивой

Иқтисод фанлари номзоди
Эрназаров Шавкат

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги


Ҳимоя Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий – тадқиқот институти
(Манзилгоҳ: 700097, Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28 –
уй) ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш
учун диссертациялар ҳимояси буйича Д.020.80.01. рақамли
ихтисослашган кенгашнинг 2005 йил "22" сентябрь соат 14:00 даги
мажлисида ўтказилади.

Диссертация билан Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий – тадқиқот
институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2005 йил "20" сентябрь да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котибаси, иқтисод
фанлари доктори

Ф. Назарова



Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизими алоҳида ўрин тутаяди. Чунки, инсон омили меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришнинг бош шарт ҳисобланади.

Бозор муносабатларининг ва турли мулкчиликка асосланган тадбиркорликнинг шаклланиши, ривожланиши ишчи кучининг меҳнатга бўлган қобилиятини товарга айланишига олиб келди. Меҳнат бозори иш ҳақи ва иш жойларини эркин танлаш асосида меҳнат ресурсларини самарали тақсимлаш имконини берди ва жамиятдаги такрор ишлаб чиқаришнинг бош омили бўлган ишчи кучининг меҳнат фаолияти мақомини тубдан ўзгартирди. Бу эса, меҳнат бозорининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда айрим ижтимоий масалаларни ечишдаги заифликларини ҳам намоён этмоқда. Буларга қуйидагилар киради:

- меҳнат ресурсларини ташкил этувчи фуқароларнинг меҳнат фаолиятларидан даромад олишлари учун тенг имкониятлар яратгани билан уларга тенг даромадлар олишни кафолатламаяпти;

- меҳнат ресурсларининг нисбий ортиқчалиги меҳнат таклифига тўланадиган ҳақнинг дискрецион даромаддан паст бўлишига сабаб бўлмоқда;

- меҳнат ресурслари ва иқтисодий банд аҳоли ўртасидаги тафовутнинг сақлангани ҳолда иқтисодий банд аҳолининг ўсиш суръатлари меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатларидан орқада қолиш тенденцияси сақланиб қолмоқда;

- меҳнатга лаёқатли ва иш қидираётган аҳолини иш билан бандлигини оширишда юзага келаётган қийинчиликлар камаймаяпти.

Айниқса, мамлакатимиз қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимидаги таркибий ислоҳотлар товар ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартириб юборди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларининг салмоғи хорижий мамлакатларга нисбатан жиддий фарқ қилади. Шу вазиятнинг муаммолиги, меҳнат тақсимотини қайта ташкил этиш борасидаги мулоҳазалар Республикамиз Президенти асарларида ҳам бир неча бор таъкидланган. Ушбу таъкидларнинг бирида қуйидаги фикрлар илгари сурилган: «Бизда аҳолининг 9 фоизи хизмат кўрсатиш тармоқларида машғул, чет элда эса бу рақам 60–70 фоизни ташкил этади. Энди бизга бир пайкалга 100 кишини қўйиб унумсиз меҳнат қилишнинг кераги йўқ. Қишлоқ хўжалигида 10 фоиз одам банд бўлса кифоя. Шундагина биз кўзлаган мақсадларимизни амалга ошириш учун заминга эга бўламиз».¹

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари», Т.: «Ўзбекистон», 1999–1376.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишининг самарали шакли бўлган фермер хўжалиklarининг ривожланиши қишлоқ хўжалигида банд бўлган ортиқча меҳнат ресурсларини сиқиб чиқармоқда. Бу, ўз навбатида, норасмий иш билан банд бўлган қишлоқ меҳнат ресурслари сафининг кенгайишига олиб келмоқда. Эндиликда, деҳқон хўжалиklarида банд бўлган аҳолининг жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши ортди ва ҳозирга келиб қарийб 65 фоизни ташкил этмоқда. Натижада, норасмий иш билан банд бўлиб, ўзини – ўзи таъминлаётган аҳоли салмоғи ортиб бормоқда. Шунингдек, товар ва хизматлар бозорининг чекланганлиги; қишлоқ меҳнат тақсимотининг тор даражада сақланиши; ишсизларнинг иш топиш мақсадида меҳнат биржаларига кам муружат қилиши; меҳнат биржаларидаги ахборотларнинг етарли даражада эмаслиги ва кабилар меҳнат бозорининг тўлақонли ишлашига йўл бермаяпти. Буларнинг ҳаммаси меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг бозор тизимида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол фазаларини ўзаро уйғунликда ўрганишни тақозо этади.

Юқоридаги муаммоларнинг мавжудлиги бу соҳада чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш лозимлигидан дарак беради ва танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иш кучи таклифи ва талабини акс эттирувчи меҳнат бозорини ҳамда иш ҳақининг бандликка таъсирини давлатнинг меҳнат муносабатларига аралашувини тадқиқ қилиш ишлари хорижий ва миллий иқтисодиётнинг йирик намоёндалари томонидан амалга оширилган. Жумладан, классик иқтисодиёт намоёндалари А.Смит, Д. Рикардо, Мальтус, Ж.Милл, Ж.М.Кейнс, Хекшер – Оленларнинг асарларида ишчи кучи ва меҳнатнинг жамиятни иқтисодий ривожланишидаги тугган ўрнига чуқур баҳо берилган. МДХ мамлакатларида эса олимлардан В.Адамчук, О.Ромашов, Б.Н.Генкин, М.Г.Колосницина, А.И.Рофе, А.О. Вереникин, Г.Г.Руденко ва бошқалар меҳнат иқтисодиёти ва социологияси фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшганлар. Миллий иқтисодиётимизда аҳоли ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодий бандликнинг таъминланиши ҳамда меҳнат бозори муаммолари ечими бўйича Қ. Абдурахмонов, Р. Х. Шодиев, Л.П.Максакова, Н.Хўжаев, Н. Бозоров, Н. Волгин, Н.Зокирова, Б.Муртазаев, М.Л.Турсунхўжаевлар ўз тадқиқотларини олиб борганлар. Минтақавий иқтисодиёт нуқтаи назаридан эса, муҳим тадқиқотлар Ш.Р.Холмўминов, Б.Т.Салимов, Ф.Назарова, Қ.Исмоилов, З.Р.Худойбердиев, З.Собирова, А.Х.Мухторов, Ф.Зуфарова, Қ.Мамараимов, Ш.Эрназаровлар томонидан амалга оширилган. Ушбу тадқиқот ишларида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимининг айрим томонлари тадқиқ этилган. Бироқ, қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимида меҳнат ресурслари

тақсимотини оқилона қайта ташкил этиш ва уни ривожлантиришга оид муаммолар, давлатнинг меҳнат муносабатларини рағбатлантиришдаги фискал ёндашуви, асимметрик ахборотлар шароитидаги хусусиятлар етарли даражада ўрганилмаган ва ёритилмаган. Ушбу муаммонинг ҳозирги пайтдаги юксак ижтимоий – иқтисодий аҳамияти тўлиқ даражада ўрганилмаганлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини билдирибгина қолмай, унинг мақсади ва асосий вазифаларини тўғри аниқлашга ҳам имкон берди.

Диссертация ишининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш давлат илмий–техник дастури доирасидаги, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг (ТДИУ) 2001–2004 йиллардаги илмий –тадқиқот режалари бўйича бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш шароитида қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш асносида унинг истиқболда оқилона фаолиятини белгилаш билан боғлиқ илмий асосланган тавсия ҳамда таклифларни замонавий ахборот технологияларига таянган ҳолда ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқот жараёнида мақсадга мувофиқ тарзда қуйидаги асосий вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва тартиблаштириш;

- қишлоқ меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

- қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимида меҳнат бозорининг аҳамиятини ўрганиш;

- қишлоқ меҳнат ресурслари ҳаракатини ўрганишнинг услубий асосларини меҳнат ресурслари баланси ёрдамида такомиллаштириш;

- бозор муносабатлари шароитидан келиб чиқиб, ҳудуддаги аҳоли ва меҳнат ресурслари кўрсаткичлари таҳлилини амалга ошириш;

- иқтисодий банд аҳоли меҳнат тақсимотининг хусусиятларини танқидий ўрганиш ва унинг унумдорлиги ҳамда самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш;

- давлатнинг фискал сиёсатини қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланишга бўлган таъсирини ўрганиш;

- асимметрик ахборотлар шароитида қишлоқ меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш истиқболларини ишлаб чиқиш;

- Самарқанд вилоятида ишчи кучини қайта тақсимлаш йўналишларининг истиқболдаги башорат кўрсаткичларини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимининг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган;

- қишлоқ меҳнат ресурсларининг ўсиши ва уларни меҳнатда банд қилиш тенденцияларини ўрганиш асносида, улар ўртасидаги тафовутнинг келажақда ортиб бораётган салбий томонларига барҳам бериш йўналишлари ишлаб чиқилган;

- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш жараёнининг даврийлиги моҳиятини асос қилиб олган ҳолда, иқтисодий фазаларининг бозор шароитидаги хусусиятлари очиб берилган;

- халқаро меҳнат ресурслари тақсимотида ишчи кучи миграцияси иқтисодий нафлигининг янги ёндашуви ишлаб чиқилган;

- қишлоқ меҳнат ресурслари шаклланиши ва ундан фойдаланиш тизимини таҳлил этишда моддий—молиявий таъминланганлик, ижтимоий—демографик тенденциялар, умум иқтисодий унумдорлик, ташкилий, маъмурий—ҳуқуқий, ҳудудий тадбирлар каби янги ёндашувлар таклиф қилинган;

- давлат аралашувининг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимига таъсирини микроиқтисодий усуллардан фойдаланган ҳолда, ўрганиш афзалликлари кўрсатиб берилган;

- меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш даражасига баҳо беришда ҳамда ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги самарадорлик кўрсаткичларини чуқурроқ таҳлил қилишда "Меҳнат аудити"дан фойдаланиш кераклиги асосланган;

- бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат самарадорлигини меҳнатнинг сифат коэффициентлари орқали ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришга ёрдам беради ва улар қуйидаги жараёнларда намоён бўлади:

- Самарқанд вилоятида «Бандлик» дастурларини ишлаб чиқишда;

- қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарали йўллари аниқлашда;

- ахборот тизимини такомиллаштириш орқали тавсия этилган статистик жадвалларни меҳнат биржаларида жорий қилишда;

- статистик ҳисоботни ташкил этишнинг таклиф этилган усули ҳудуд меҳнат ресурслари шаклланиши ва ривожланиши ҳолатларини чуқур таҳлил этиш ва истиқболни башорат қилишда;

- қишлоқ меҳнат ресурсларини иқтисодиётда банд қилиш муаммоси бўйича услубий қўлланмалар тайёрлашда ҳамда «Меҳнат иқтисодиёти», «Бозор иқтисодиёти асослари», «Инсон ресурслари ва

меҳнат бозори иқтисодиёти» фанларидан айрим мавзуларни ёритишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Илмий ишда тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман меҳнат бўлимига берилган ва у меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини ошириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация иши Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг "Агроиқтисодиёт" ва "Меҳнат иқтисоди ва социология" кафедраларининг қўшма мажлисида, Тошкент Давлат Аграр Университетининг ва Тошкент Давлат Ирригация ва Мелиорация институтининг "Иқтисодиёт" кафедраларининг кенгайтирилган семинарларида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Мазкур диссертация иши материаллари бўйича жами 10 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган бўлиб, шулардан 4 таси марказий 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг таркиби. Диссертация иши — кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, 112 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация 27 жадвал, 8 та расмни ўз ичига олиб, умумий ҳажми 162 бетни ташкил этган бўлиб, матни 140 бетда баён этилган.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади, вазифалари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти ва натижаларнинг жорий этилишини акс эттирувчи маълумотлар ўрин олган.

"Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимининг назарий асослари" деб номланган биринчи бобда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимида иқтисодий фазаларнинг ўрни ва аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган.

Иккинчи боб "Самарқанд вилоятида қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати таҳлили" деб аталиб, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳудудий таҳлили тизимий ёндашувлар асосида очиб берилган ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда давлат аралашувининг солиқлар орқали таъсир кўрсатиши микроиқтисодий таҳлиллар орқали ёритилган.

Учинчи боб "Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш истиқболлари" деб номланган. Бу бобда меҳнат ресурсларидан фойдаланишда ахборот тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳудудда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўналишларининг истиқболлари башорат қилинган.

Диссертациянинг якуновчи қисмида тадқиқот жараёнида олинган асосий хулоса ва таклифлар ўрин олган.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Жамият тараққиётини инсон тараққиётисиз тасаввур қилиб бўлмайди, жамиятда ислохотларни ҳаракатга келтирувчи куч ҳам инсондир. Диссертация ишида Республикамиз аҳолисининг 65 фоизига яқин қисми қишлоқларда истиқомат қилаётгани ва меҳнат ресурсларининг салмоқли қисми ҳам айнан қишлоқларга тўғри келаётганлигини инобатга олган ҳолда, диссертацияда меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш, фойдаланиш, тармоқлараро тақсимлаш, инсоний потенциал тараққиёт индексининг юқориликка эришишидаги ўрни ҳамда рақобатлашиш масалалари илмий таҳлил этилган. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимининг фазаларига ҳозирги бозор муносабатлари даврида алоҳида тадқиқотни талаб қилаётганлигини инобатга олган ҳолда, назарий қарашлар ва тафовутлар илмий асосланган фикрлар билан бойитилди. Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш фазаларига энг муҳим бўлган айирбошлаш бўғини киритилди. Ишчи кучини айирбошлаш меҳнат бозорида вужудга келадиган ишчи кучи соҳиблари билан уни ишга қабул қилувчи томон ўртасида содир бўладиган ўзаро битимдир. Унда ишчи кучи меҳнатга бўлган қобилиятини сотади ва эвазига иш ҳақи олади. Товарлар бозори сингари меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Бу иш ўринларини шакллантирадиган субъектлар билан уларга даъвогарлик қилувчи субъектлар ўртасида қарор топадиган иқтисодий муносабатларнинг жадал тизимидир. Меҳнат бозори меҳнат ресурслари тақсимотини зарурий даражада тартибга солишнинг асосий воситаси ҳам ҳисобланади.

Диссертацияда батафсил баён этилганидек, ишчи кучи миграцияси халқаро иқтисодий алоқаларда муҳим роль ўйнайди. Чунки, ишчи кучи экспорт қилувчи мамлакатларга ишчи кучини қабул қилган мамлакатлар томонидан экспорт қилувчи мамлакат ҳисобига чет эл валютаси келиб тушади. Ўзбекистон ҳам халқаро савдо ва молия – кредит муносабатларини ривожлантириш билан бир қаторда ишчи кучининг халқаро миграциясида ўзининг иштирокини кенгайтириши лозим. Бу миллий иқтисодиётимизнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги халқаро иқтисодий алоқаларда айрим ишчи кучларини экспорт қилувчи мамлакатлар учун бу соҳа валюта тушумларининг асосий манбаи бўлиб келмоқда. Масалан, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган Туркияга, Португалияга ва Марокашга хорижда ишлаётганларнинг пул жўнатмалари миқдори мазкур мамлакатлар экспорт ҳажмининг 25 фоизини ташкил этгани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич бир фоизни ҳам ташкил этмайди. Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат бозорида фаол иштирок этиши куйидаги афзалликларни келтириб чиқаради:

- миллий меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи маълум даражада камаяди, ўз навбатида, республикадаги демографик вазиятнинг меҳнат бозорига салбий таъсири бирмунча озаяди ҳамда иш ҳақи

ставкасини ошишига олиб келиб, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширади. Шу билан бирга, иқтисодий сифат жиҳатдан қайта қуриш меҳнат бозорининг касбий малака таркибини ўзгаришига ҳам олиб келади. Хорижда ишлаб келган фуқароларимиз ўзлари билан бирга энг замонавий билимларни, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибаларни ўрганиб қайтадилар;

- мамлакатнинг валюта захирасини оширади, республикага келган валюта ўз навбатида истеъмол ва бошқа товарларга бўлган талабни ошириб, иқтисодийнинг маълум даражада, жонланишига сабаб бўлади;

- фуқаролар хориж корхоналарида мавжуд бўлган меҳнатни ташкил этиш, меҳнат интизоми жараёнини бошқариш, унумли меҳнат қилишни ҳамда халқаро тилларни ўрганиб қайтадилар.

Мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси, табиати, иқлими, ер – сув шароити, иқтисодий салоҳиятининг турли кўрсаткичлари қатори аҳолисининг миллий ижтимоий таркиби ҳам бошқа минтақалардан фарқ қилувчи хусусий жиҳатларига эга. Шундай экан, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтиришда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инсон омили имкониятларидан келиб чиқиш талаб этилади. Тадқиқотда қишлоқ меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари тизимини таҳлил этишда тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд вилояти танланди ва вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.

Самарқанд аҳолиси республика аҳолисининг қарийб 10,8 фоизини, меҳнат ресурслари бўйича 10,4 фоизни ташкил қилади. Яппи ички маҳсулотни яратишдаги ҳиссаси 8,5 фозни ташкил этмоқда. Вилоятда жон бошига туғри келадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми умумреспублика кўрсаткичидан 8 фоизга ортиқдир. Аммо, вилоятда иқтисодий банд бўлганлар салмоғи умумреспублика кўрсаткичидан 2 фоизга камдир. Қишлоқ аҳолисининг салмоғи 72 фоизни ташкил этади. Самарқанд вилояти мактаблар сони ва ўқувчилар сони бўйича республикада энг юқори ўринда туради. Мамлакат ўқувчиларининг 11,9 фоизи мазкур вилоятга туғри келади. Самарқанд вилоятида ҳар йили 73 мингта ёшлар меҳнат ресурслари сафини тўлдирмоқдалар. Уларнинг қарийб 3/4 қисми қишлоқ ёшларига туғри келмоқда. Расмий иш жойларининг йиллик ўсиши 38 – 45 мингтага етмоқда. Меҳнат ресурслари сонининг ёшлар ҳисобига ўсиши бандлар сонининг ўсишига нисбатан номуносиблиги ижтимоий ташвишланарли ҳолни юзага келтирмоқда. Қишлоқда норасмий банд аҳоли салмоғининг юқори даражада сақланаётганлиги, оилавий даромад ҳажмининг яшаш минимумидан пастлиги ҳамда аҳоли ўртасидаги табақалашувининг кучаяётганлиги қишлоқда иқтисодий ислохотларни маълум даражада орқада қолаётганлигидан далолат бермоқда. Маълумки, вазиятнинг

бундай сақланиб қолиши, келажақда минтақада ижтимоий тангликни келтириб чиқаришига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурсларидан фойдаланишга оид таҳлилларда янада қамровли ва чуқурроқ сабабий боғлиқликлардаги тизимий ёндашувнинг зарурати ортмоқда. Изланишлар кўрсатадики, бу соҳадаги таҳлилни қуйидаги ёндашувлар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- моддий – молиявий таъминланганлик;
- ижтимоий – демографик тенденциялар;
- умумиқтисодий унумдорлик;
- ташкилий – ҳудудий, маъмурий – ҳуқуқий тадбирлар.

Ушбу таҳлилий ёндашувлар асосида минтақа қишлоқ меҳнат ресурслари шаклланиши ва улардан фойдаланишга етарли баҳо бериш ҳамда қарорлар қабул қилиш имкониятининг кенгайиши аниқланди.

Диссертацияда қишлоқдаги иқтисодий банд аҳоли, меҳнат ресурслари ва жами қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръатлари ўзаро таққосланганда, қишлоқдаги иқтисодий банд аҳолининг ўсиши, бошқа юқоридаги кўрсаткичлардан ортда қолаётганлиги сабабли ишсизликнинг ортаётганлиги таҳлил этилди. Иқтисодий банд аҳоли салмоғини ошириш ва ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этишда самарали йўналишлардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Бу йўналишга эътибор давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатда ҳам, аҳолининг интилишида ҳам ўз аксини топмоқда.

Жумладан, кейинги уч йилда рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони 194 мингдан 239,5 мингга етди. Шулардан фаолият кўрсатаётганлари сони 2000 йил бошида 200,3 мингга бўлса, 2004 йил охирига келиб 230 мингдан ошди. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари 104 мингдан ошиб кетди ва уларда 1 млн.га яқин ишловчилар меҳнатда банд бўлмоқда. Деҳқон хўжаликлари сони 4,1 млн. тани ташкил этмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) корхоналарининг тармоқлар бўйича салмоғида қишлоқ хўжалигидагилар 52 фоиз, савдо ва умумий овқатланишдагилар 19 фоиз, саноатдагилар 10 фоиз, қурилишда 5,0 фоиз, транспорт ва алоқа хизматидагилар 0,8 фоизни ташкил этади. 2004 йилга келиб, мамлакатимизда рўйхатдан ўтган 263800 та КБХТ корхоналаридан 229600 таси фаолият кўрсатган. Самарқанд вилоятида эса бу кўрсаткич 24734 та корхонадан 21200 таси, яъни 86 фоизи фаолият кўрсатган.² 2003–2004 йилда фаолият кўрсатаётганлар салмоғи республикада 84 фоиздан 87 фоизга кўтарилган бўлса, вилоятда бу кўрсаткич ўзгаришсиз қолган.

2004 йилда 368,6 минг иш жойлари сонини янги фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар билан боғлаб таҳлил

² Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ, 2003 й. № 4. Апрель, 2004 й., 34 б.

қилинганда, бир хўжалик юритувчи КБХТ субъектга тўғри келадиган ходимлар сони 9,7 кишини ташкил этади. Республикада 2004 йилда янги фаолият кўрсатган КБХТ субъектлар сони 13900 тани ва уларда яратилган иш жойлари сони 144,8 минг тани ташкил этган. Битта КБХТ субъектига тўғри келадиган ходимлар сони 2004 йилга келиб 13,1 кишидан иборат бўлган. Самарқанд вилоятида КБХТ субъектлари 2003 йилда 3664 та, 2004 йилда 4500 та хўжалик юритувчи субъектлари иш бошлаган. Шунга мос равишда янги иш жойлари сони 25,4 мингдан 33,6 мингга ортанлиги сабабли, 2003 йилда битта янги хўжалик юритувчи КБХТ субъектининг ходимлари 6,9 кишини, 2004 йилда 27,4 кишидан иборат бўлган. Жаҳон тажрибасида кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони ҳар минг кишига Франция, Германия, Буюк Британия, Японияда 35–50, АҚШ да 75 та корхона тўғри келади, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 10–11 корхона ташкил қилади. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ортиқча меҳнат ресурсларини таъминлаш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб–қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодий тангликлардан ҳимоя қилиш каби чора–тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда кичик корхоналарнинг йирик корхоналар билан ҳар хил шаклдаги кооперациялашуви кенг тус олган. Бундай шакллардан бири – шартнома асосида ишлашдир. Бунда бош корхона ўз буюртмасини кичик корхоналарга беради ва кичик корхоналар қайта ишлаш учун хом ашё ва ярим фабрикатлар билан таъминланади. Улар бажарувчи сифатида хом ашё ёки материални маълум даражада қайта ишлаб тайёр ҳолатта келтирадилар. Вилоятларда, хусусан, Самарқандда ҳам йирик корхоналар билан шартнома асосида ишлаш учун кичик цехларни ташкил қилиш меҳнат ресурсларини иш билан банд қилишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиши мумкиндир.

Ишлаб чиқариш омиллари таркибида етакчи ўринни эгаллаган меҳнат ресурсларидан фойдаланишда рақобатлашган бозор бўлганлиги сабабли, купинча, иш берувчи ва ёлланувчи ўртасида имкониятларни ноаниқ баҳолашлар содир бўлмоқда. Мана шу ноаниқ баҳолашлар масаласи микроиқтисодий тадқиқотларимизнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Диссертацияда ушбу сабабларнинг бузилишида ахборотларнинг етишмаслиги ёки, бошқача айтганда, асимметрик ахборот шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда муаллиф ёндашуви таклиф этилган.

Вилоят бандлик хизматида 22 та йиғма ҳисобот ҳужжати тайёрланади. Таҳлилларга кўра, бу ҳужжатлардаги жами сатрлар сони 453 қаторни, устунлар сони эса 232 тани ташкил этар экан.


Ҳужжатларда жами 4384 та кўрсаткич бўйича маълумот берилган. Мазкур кўрсаткичлар меҳнат ресурслари ва бандлик ўзгариши туғрисида кузатувнигина олиб боришга хизмат қилади. Бу ҳужжатлар орқали жойлардаги вазиятга таъсир қилиш имконияти мавжуд эмас. Негаки, ахборотларнинг қуйидан юқорига қараб тупланишида алгоритмик изчиллик етишмайди. Шунинг учун илмий ишда уй хўжалигидан тортиб, туман ва вилоят даражасигача бўлган кўп поғонали ахборотларни туплаш ва қайта ишлаш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимининг такомиллашган варианты ишлаб чиқилди (1 – расм).

Ушбу тизим воситасида ҳар бир ҳудуддаги демографик, ижтимоий – иқтисодий вазиятга объектив баҳо бериш ва бандликни ошириш бўйича асосли қарорлар қабул қилиш имконияти доираси кенгайди. Негаки, маълумотларнинг кенг қамровли тупланиши зарурий ҳол бўлса, улардан мақсадга мувофиқ муаммоларни ҳал этиш йўналишида фойдаланиш эса, унинг ечими етарлигини таъминлайди.

Илмий ишда таъкидланганидек, тавсия этилаётган автоматлаштирилган ахборот тизимининг объекти бўлиб, уй хўжаликлари ҳисобланади. Уй хўжалигидаги демографик кўрсаткичлар – меҳнатга лаёқатлилик, расмий ва норасмий иқтисодий бандлик кўрсаткичлари ҳамда бошқаларга изчил эътибор қаратилади. Мазкур ахборот тизимида меҳнат соҳасидаги аудит керак бўлади. Албатта, аудитнинг бундай тури молиявий аудитдан фарқли равишда корхонанинг меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш даражасига баҳо беради, яъни корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил этилади. Бунинг учун эса кенг миқёсдаги маълумотлар мажмуи керак бўлади. Меҳнат соҳасидаги аудитнинг объекти бўлиб, корхонанинг меҳнат салоҳияти ва ундан фойдаланиш даражаси ҳисобланади.

Корхонадаги меҳнат жамоаси ва уларнинг меҳнат фаолияти туғрисидаги аҳволни ҳисобга олиш ва қайта ишлашдаги аниқ ва тулиқ маълумотлар таъминлангандагина аудит текширувлари самарадорлиги ҳам юқориликка эришилади. Меҳнат соҳасидаги аудит, асосан, учта соҳани ўз ичига қамраб олади: ташкилий – технологик, ижтимоий – психологик ва иқтисодий.

Биринчи соҳада ҳужжатлаштириш текширилади, корхона фаолияти самарадорлигига ишчи кучи омилининг ижобий ва салбий таъсири таҳлил қилинади. Асосан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш дастурларига оид маълумотлар таркибига эътибор қаратилади.



1 – расм. Қўйи ҳуқуқий бирликларда инсоний ривожланиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш бўйича ахборот айланиши механизми
 Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

Иккинчи соҳада корхонадаги ижтимоий меҳнат муносабатларига оид маълумотлар анкета сўровлари ва суҳбатлари орқали индивидуал тўпланишига эришилади. Меҳнатни рағбатлантирувчи ёки уни такомиллаштирувчи заҳиралар субъект нуқтаи назаридан қайд этилади.

Учинчи соҳада меҳнат жамоасининг корхона рақобатбардошлигини таъминлашдаги ўрни, белгиланган ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатлар талабларига мослиги, меҳнат ресурсларини бошқариш хизмати самарадорлиги кабилар баён этилади. Мазкур фаолият соҳаларини амалга ошириш тўртинчи босқичдаги тадбирлар билан шуғулланишни тақозо этади.

Тайёрлов босқичида аудит тадбирининг мақсади, вазифалари, фаолият шакллари ва тадқиқот субъектлари танланади. Иккинчи босқичда маълумотлар тўпланади. Учинчи босқичда корхона меҳнат соҳасидаги фаолияти ҳақидаги маълумотлар системалаштирилади, таҳлил этилади ва таклифлар киритилади. Тўртинчи босқичда аудит фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш амалга оширилади. Меҳнат соҳасидаги аудитнинг самарали ташкил этилиши учун ахборотнинг номлари барча қатнашчилар томонидан ягона талқинда бўлишлиги, кўрсаткичларининг ўзи воқеълик ва жараёнларни айнан акс эттирилиши ҳамда тўла қамровлилиги талаб этилади. Бундай вазифани ҳал этиш учун мавжуд ахборот тизими асосида янги ахборот технологияларини ўзлаштириш зарур бўлади. Чунки, янги ахборот технологиялари шароитида ҳудудий бандлик сиёсати ва меҳнат ҳисоботининг умуммиллий андозалар билан мослигига эришиш имкониятлари таъминланади. Айни дамда, замонавий ахборотлар технологияси бўйича қарор қабул қилишнинг бош мезони меҳнат ресурсларининг такрор ишлаб чиқариш жараёнини шарҳлаш билан чекланмай, бу жараёнлардаги сабабий боғлиқликлар асосида инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришга эришишдан иборат.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий фазалари тўғрисида батафсил маълумотга эга бўлиш учун демографик, турмуш даражаси, тиббиёт каби бошқа статистик фанларни ҳам ривожлантиришга эътибор бериш лозим. Ҳозирги шароитда меҳнат бозорининг таркибий унсурлари тўғрисидаги асосий маълумотлар корхоналар орқали тўпланади ва ифода этилади. Жумладан, мамлакатимиз қишлоқ жойларида институционал уюшган аҳолининг расмий иқтисодий бандлик кўрсаткичлари орқали ҳудуд тўғрисида батафсил ҳаққоний маълумот тўплаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам муаллиф томонидан меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимининг ижтимоий имкониятларини оширишда, уй ҳўжаликларини корхоналар билан бир қаторда объект сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

Қилинган тадқиқотлардан яна бири давлат солиқ сиёсатининг қишлоқ жойларидаги расмий бандликни оширишга, янги иш

уринларини яратишга бўлган таъсири ўрганилди ва солиқ юкининг иш берувчи ҳамда ёлланувчи зиммасига қандай нисбатда тушаётганлиги аниқ бир тадбиркорлик субъекти мисолида микроиқтисодий ёндашув асосида таҳлил қилинди. Маълумки, иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўловга ажратма бошқа ажратмаларга қараганда юқори бўлиб, 2003 йилда 35 фоизни ташкил қилган. Ҳозирда, яъни 2005 йилда ушбу ажратма 31 фоизга туширилди. Тадқиқотда айнан 35 фоизлик ажратманинг юқорилиги иш берувчилар ва ёлланувчиларга қийинчилик туғдираётганлиги, натижада, норасмий бандликнинг ортишига, бюджетга тушиши лозим бўлган маблағларнинг қисқаришига сабаб бўлаётганлиги таъкидланган.

Жами иш ҳақи фонди W сўмга тенг бўлганда ягона ижтимоий фондга ажратма $0,35 \cdot W$ сўмга тенг бўлади. Иш ҳақи фонди ҳар бир ишчининг иш ҳақидан (ажратмадан олдинги) ташкил топгани учун уни қуйидагича ёзамиз:


$$\sum_{i=1}^n \varpi_i = W$$

Жами ишчиларнинг ажратмаларини эса $0,35w_1 + 0,35w_2 + \dots + 0,35w_n = 0,35W$, яъни

$$\sum_{i=1}^n \varpi_i = 0,35W$$

кўринишида ёзиш мумкин.

Ягона ижтимоий фондга ажратмалар бўлмаганда (2-расм) бозор мувозанати E_0 нуқтада бўлиб, ишчилар иш билан тўлиқ таъминланган. Ишчи кучига талаб ва таклиф функциялари қуйидагичадир:



w_e — реал иш ҳақи

$w_e + 0,35w_e$ — ягона ижтимоий тўловларга ажратилмагандаги иш ҳақи

w_m — норасмий бозордаги иш ҳақи миқдори

2-расм. Иш ҳақидан ягона ижтимоий фондга мажбурий тўловлар ажратилганда меҳнат ресурсларига бўлган талабнинг ўзгариши

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Графикдан кўриш мумкинки, ягона ижтимоий фондга тўловлар киритилганда норасмий меҳнат бозори вужудга келади ва натижада иш берувчилар кўшимча фойда ола бошлайдилар. Бу фойда ягона ижтимоий фондга тўланадиган ажратмадан ҳамда ишчига реал иш ҳақидан кам ҳақ тўлаш орқали кўриладиган ютуқдан иборат бўлади. Иш берувчининг норасмий меҳнат бозори ҳисобидан оладиган кўшимча фойдасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\Delta\Phi=0,35w_e *(L_e- L_m)+(w_e- w_m)(L_e- L_m);$$

$L_e- L_m$ - норасмий меҳнат бозорида ёлланган ишчилар сони;

$w_e- w_m$ - ҳар бир норасмий ёлланма ходим ҳисобидан кўриладиган фойда;

$0,35w_e$ - ҳар бир норасмий ёлланма ишчилар учун ягона ижтимоий фондга ажратилмай қолган тўлов бўлиб, у иш берувчилар томонидан ўзлаштирилади.

Норасмий бандликни юмшатиш учун ягона ижтимоий тўловга ажратмаларни оптимал миқдоргача камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ажратманинг иш берувчилар ва ёлланма ишчилар ўртасидаги тақсимланиши талаб ва таклиф қизиқларининг эластик ёки эластик эмаслигига боғлиқ. «Иш берувчи» ва «ёлланувчи» солиқ юкининг тақсимланишини таҳлил қилишда алгоритмик усулдан фойдаланилди. Чунки, бу усул ҳар бир субъектдаги солиқ юкининг салмоғини ҳисоблашда қулайлик яратади. Таҳлил натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, иш ҳақи фонди сотув тушумунинг 20 фоизини ташкил этганда иш берувчининг солиқ юкидаги салмоғи 84,2 фоизни, иш ҳақи салмоғи 30 фоизга кўтарилганда иш берувчининг солиқ юкидаги салмоғи 80 фоизга тушиши трансформация усули орқали аниқланди. Солиқ юкининг хажми ишлаб чиқаришда иш ҳақи фондининг салмоғига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, солиқ юкининг иш берувчи ва ёлланувчи ўртасида тақсимланишида қулай имкониятлар яратилиши давлатнинг оқилона аралашувини келтириб чиқаради.

Бозор муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши, авваламбор, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил этишни тақозо этади. Диссертацияда «меҳнат унумдорлиги», «меҳнат самарадорлиги» кўрсаткичлари ўртасидаги тафовутлар очиб берилган. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи меҳнат сифатини ҳисобга олмайди, бу унинг заиф жиҳатини билдиради. Айнан мана шу жиҳат, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичига бўлган эҳтиёжни юзага келтиради. Яъни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, меҳнатнинг миқдорий кўрсаткичларига сифат жиҳатдан баҳо бериш имконини яратади. Меҳнат самарадорлигини ҳисоблашдаги меҳнат сифати коэффицентини аниқлашда ҳар бир маҳсулот ва меҳнат хусусиятидан келиб чиқилади. Буни қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулоти бўлган пахта етиштириш мисолида қараб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг «Пахта хом ашёсининг 70-03-04-2003 сонли харид нархлари нархномаси» (5.09.2002) ҳамда РСТ ўз 615-94 стандарти талабларидан келиб чиқиб, пахта хом ашёсининг саноат навлари (жами (бешта) ва синфлари (жами учта)) ва пахта толаси типлари (узун толалар учун 1а, 1б, I, II, III ҳамда ўрта толалар, учун IV, V, VI, VII) нинг сифат хусусиятларидаги ўзаро нисбатлар асосида навларга коэффицентлар ҳисоблаб топилди. Ҳисоблашларга кўра, 1-синф хом ашёсининг 5-типли ўрта толали пахтасига мос бўлган 5 та навларига харид нархлари коэффицентлари қуйидагича ҳосил бўлди:

1-жадвал

**Пахта хом ашёсини баҳолашнинг
сифат коэффиенти тартиби (2003й.)**

1 нав учун	1	145740 сум/тонна
2 нав учун	0,86455	126000 сум/тонна
3 нав учун	0,80053	116670 сум/тонна
4 нав учун	0,59674	86570 сум/тонна
5 нав учун	0,24783	36120 сум/тонна

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манбалари асосида муаллиф ҳисоблари.

Ушбу коэффицентлар асосида Самарқанд вилоятида пахта хом ашёсини етиштириш бўйича меҳнат самарадорлиги таҳлили ва истиқбол кўрсаткичлари ишлаб чиқилди.

2-жадвал

**Самарқанд вилоятида пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришда
меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги истиқболи кўрсаткичлари**

Навлар	Саноат навлари салмоғи фоизда						Маҳсулот ҳажми (т/киши)	Қишлоқ хужалигида банд аҳоли	Меҳнат унумдорлиги (т/киши)	Меҳнат самарадорлиги (т/киши)
	Харид нархи бўйича коэффицент салмоғи, фоизда									
	I	II	III	IV	V	Жами				
2001	72,3	8,7	5,5	7,5	6	100	167778	235254	0,7	0,63
	72,3	7,52	4,4	4,5	1,5	90,22				
2002	65,9	9,2	6,7	7,5	10,7	100	185136	235254	0,78	0,67
	65,9	7,95	5,4	4,5	2,7	86,45				
2003	48,7	12,5	12,4	13,5	12,9	100	251516	235254	1,1	0,88
	48,7	10,8	9,9	8,1	7,2	84,7				
Инерцион вариант	63	10	11	9	7	100	300000	230000	1,3	1,14
	63	8,6	8,8	5,4	1,8	87,6				
Мобилизацион вариант	72	12	12	4	0	100	300000	230000	1,3	1,22
	72	10,4	9,6	2,38	0	94,4				

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Кумитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари. "Стат. Сборник", "Сельское хозяйство Республики Узбекистан", "Узбекистан в цифрах". Тегишли йиллар бўйича.

Таҳлиллarga кўра, самарадорлик кўрсаткичлари динамикасида ўсиш рўй берётганлигини қайд этиш мумкин. Инерцион ва

a-13996

мобилизацион вариантларда, вилоят хўжаликларида маҳсулот ҳажми меҳнат унумдорлигини оширмасдан эришилган. Меҳнат самарадорлигининг негизида ишчи кучини тежаб сарфлаш тамойили ётади. Бу тамойилнинг амал қилиши маҳсулот ҳажми ошмасе — да, имкон қадар бандлик ўсишига тескари пропорционалликни таъминлайди. Меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги билан бандликнинг бир пайтда ортиши маҳсулот ҳажмининг тоборо кўпайишини келтириб чиқаради.

Диссертацияда Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолиси, қишлоқ меҳнат ресурслари сони ҳамда иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг вақт (йиллар) бўйича регрессия тенгламалари ёрдамида ҳисобланган 2010 йилгача бўлган башорат кўрсаткичлари аниқланди ва эконометрик моделлари ишлаб чиқилди. Функциялар куйидаги кўринишдан иборат:

1. Қишлоқ аҳолиси сони бўйича:

$$Y_1 = 0,0184x^2 + 1,2537x + 2195,8 \quad R^2 = 0,994$$

2. Қишлоқ меҳнат ресурслари сони бўйича:

$$Y_2 = 0,0184x^2 + 1,2537x + 1091,1$$

3. Иқтисодиётда банд бўлганлар сони бўйича:

$$Y_3 = 0,01x^2 + 0,6885x + 560,49 \quad R^2 = 0,994$$

Бу ерда, $x = 1, 2, \dots, t$ йилларни ифодалайди. Функцияларнинг қийматларини ҳисоблашда эркин ўзгарувчиларнинг дастлабки қиймати $x = 1$ ҳол учун 1995 йил маълумотлари асос бўлиб хизмат қилди.

Регрессия тенгламалари ёрдамидаги тадқиқотда, Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолиси, меҳнат ресурслари, иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг истиқболдаги ҳисоблари учун 1995—2002 йиллар оралиғидаги маълумотлар асос қилиб олинди ва квадрат функция кўринишидаги боғланишдан фойдаланилди. Чунки, учала регрессион тенгламаларнинг детерминант коэффициентлари 0.9 дан юқори. Бу эса, натижавий кўрсаткич билан вақт омили кўрсаткичи ўртасидаги боғлиқлик кучли эканлигидан далолат беради.

3—жадвал

Самарқанд вилояти қишлоқ аҳолиси, меҳнат ресурслари ва иқтисодий банд аҳолининг ўсиш суръатлари динамикаси (минг киши)

Кўрсаткичлар	1995— 2000	2000— 2005	2005— 2010	2000— 2010
Қишлоқ аҳолиси	7,5	7,5	10,5	18
Қишлоқ меҳнат ресурслари	7,5	7,5	10,5	18
Иқтисодиётда банд бўлганлар сони	4,1	4,1	5,8	9,9

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида мултиф ҳисоблари.

Эконометрик моделлар орқали амалга оширилган башорат кўрсаткичларига кўра, истиқболда аҳоли ва меҳнат ресурслари бир хил суръатларда ўсиши кутилаётганлигига қарамай, иқтисодий банд

аҳолининг ўсиш суръатлари нисбатан ортда қолиши давом этмоқда, яъни ушбу тенденция сақланиб қоладиган бўлса, 2010 йилга бориб иқтисодий банд бўлганлар меҳнат ресурсларидан икки баробар орқада қолиши кутилмоқда. Бундай ҳолат келажакда салбий ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун давлат томонидан бандликнинг ўсиш суръатини меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатидан юқори бўлишини таъминловчи иқтисодий чора – тадбирлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Ишда Самарқанд вилояти минтақа ижтимоий – иқтисодий тараққиёти, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тенденцияларига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, ижтимоий – иқтисодий ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо каби кўрсаткичлар динамикаси ўзаро қиёсий таҳлил этилди ва истиқбол кўрсаткичлари ҳисоблаб топилди. Бу вазифани ҳал этишда иқтисодий боғлиқликлар ва муносабатларни миқдорий тадқиқ этишнинг корреляцион ва регрессион моделларидан фойдаланилди.

4 – жадвал

ЯХМнинг иқтисодий тармоқларга боғлиқлик кўрсаткичлари башорати (минг сўмда)

	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й
ЯХМ – С. $Y = 2803,26 + 3,15x$	4987,5	5022,4	5057,3	5092,2	5127,1	5162,0	5196,9	5231,8	5266,7
ЯХМ – Қиш.хуж. $Y = 793,2 + 1,6x$	5047,4	5096,9	5146,4	5195,9	5245,3	5294,8	5344,3	5393,8	5443,3
ЯХМ – Қур $Y = 3076,2 + 7,65x$	4972,4	5003,2	5034,1	5064,9	5095,7	5126,5	5157,3	5188,1	5219,0
ЯХМ – Сав. $Y = 3307,35 + 3,64x$	4991,5	5027,1	5062,6	5098,2	5133,7	5169,3	5204,8	5240,4	5276,0
ЯХМ – Бт. $Y = 1018,44 + 5,81x$	5093,6	5155,3	5217,0	5278,7	5340,4	5402,1	5463,8	5525,4	5587,1

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

Юқоридаги жадвалда регрессия тенгламаларининг Самарқанд вилоятидаги ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг халқ хўжалиги тармоқлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларига боғлиқлик даражаси қиёсий таҳлил қилинган. Корреляция коэффициентлари қийматидан кўринадики, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига халқ хўжалиги тармоқлари ичидан қишлоқ хўжалиги ($R = 0.945336$)нинг боғланиш зичлиги юқорилигича қолмоқда.

Куйидаги жадвал маълумотларидан кўринадики, ретроспектив маълумотлар асосида аниқланган башорат кўрсаткичларида энг юқори ўсиш суръатлари 2010 йилда саноат тармоғида бўлиб, 132,9 фозни ташкил этади. Аҳолининг ўсиш суръатлари, ЯХМ нинг ўсиш суръатлари деярли тенг суръатда, яъни 18 фозга ортади. Ушбу башоратлар аҳоли фаровонлиги кўрсаткичларининг юксалиши чекланганлигини англатади. Шунингдек, бошқа кўрсаткичлар, яъни қишлоқ хўжалигида 17,8 фозга, қурилишда 16,85 фозга, савдо ва умумий овқатланишда 16,88 фозга, бошқа тармоқларда 10,69 фозга ортиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткичларнинг бундай ўзгариши меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тенденцияси

кучаяётганлигидан далолат беради. Айниқса, иқтисодий банд аҳолининг тармоқлараро қайта тақсимланишига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

5-жадвал

Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий, демографик кўрсаткичларнинг истиқболдаги ўсиш суръатлари таркиби

Кўрсаткичлар	2000й. миқдори	Ғоиз	2005й.	2005 – 2000 йилга нисбатан Ғоиз ҳисобида	2010й.	Ғоиз	2010 – 2000 йилга нисбатан Ғоиз ҳисобида
Аҳоли сони (млн. киши)	2678,0	100	2953,7	110,26	3163,4	100	118,1
ЯҒМ ҳажми (мл.сўмда)	4786	100	5314,1	111,03	5646,2	100	117,97
Шу жумладан: саноатда	588,4	12,3	726,6	123,5	782	13,9	132,9
Қишлоқ хўжалигида	2468,1	51,9	2751,7	111,5	2906,3	51,4	117,9
Қурилишда	239,7	5	260	108,5	280,1	4,9	116,85
Савдо ва умумий овқатланишда	462,7	10	492	106,3	540,8	9,5	116,88
Бошқа тармоқларда	1027,1	20,9	1083,8	105,5	1136,9	20,1	110,69

Манба: Ўзбекистон Республика Давлат статистика Қумитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари. "Стат. Сборник", "Сельское хозяйство Республики Узбекистан", "Узбекистан в цифрах". Тегишли йиллар бўйича.

Социологик тадқиқотлар кўрсатадики, меҳнат ресурсларини қўшимча иқтисодий банд аҳоли сафига жалб этишда дастурий тизимларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш керакдир. Шунга асосан, диссертацияда дастурий тизимларни ишлаб чиқишга қаратилган бир қанча таклифлар ишлаб чиқилди.

Хулоса

1. Бозор муносабатларига ўтиш шароитининг назарий – услубий таҳлиларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимининг асосан, уч фазаси, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмолни ўрганиш билан чекланилмоқда. Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти қўяётган талаблардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф учун зарур бўлган мувозанат иш ҳақи асосида вужудга келадиган «айирбошлаш» фазасини бошқа фазаларга нисбатан устувор ўрганиш мақсадга мувофиқ.

2. Меҳнат тақсимотининг минтақавий муаммоларини самарали ҳал этиш учун турли хил ёндашувларнинг ўзаро уйғунлик талабларидан келиб чиқиш керак бўлади. Эндиликда эса қишлоқлардаги аҳоли турмуш даражаси пасайишини бартараф этишда ижтимоий – иқтисодий ёндашувдаги устуворликлар асосий ўрин тутати. Ушбу ёндашувлар минтақавий меҳнат тақсимотидаги янги тенденцияларнинг кучайишига олиб келди, яъни минтақавий ишлаб чиқаришда хом ашё ихтисослашувидан воз кечилиб, уларни чуқур қайта ишлашга ўтиш орқали қўшимча пировард маҳсулот яратишни маҳаллийлаштириш қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини оширади ва ўз навбатида, минтақавий

меҳнат тақсимотидан халқаро меҳнат тақсимотиға ўтиш ҳам юқоридаги масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

3. Норасмий банд аҳоли салмоғининг юқори даражада сақланаётганлиги, оилавий даромад ҳажмининг яшаш минимумидан пастиги ҳамда аҳоли табақалашувининг кучаётганлиги қишлоқ шароитида жиддий ўзгаришлар бўлмаётганлиги сабабли, қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг кенг қамровли ва чуқурроқ сабабий боғлиқликларни таҳлил қилишнинг тубандаги:

- моддий — молиявий таъминланганлик;
- ижтимоий — демографик тенденциялар;
- умумиқтисодий унумдорлик;
- ташкилий — ҳудудий, маъмурий — ҳуқуқий тадбирлар асосида ёндашувлар туркуми тақлиф этилди.

4. Меҳнат бозоридаги айирбошлаш жараёнига таъсир қилувчи омиллардан бири — давлатнинг солиқ сиёсатидир. Солиқ тизими давлатнинг тартибга солувчанлик функциясини намоён этади. Солиқ юкини ошириш маълум бир чегарагача бюджет даромадлари кўпайишига, маълум бир чегарага етгандан сўнг, расмий иқтисодий бандликнинг қисқаришига олиб келади. Таҳлилларга кўра, солиқ юкининг мақбул ҳолати шароитидагина корхоналар фаолияти яхшиланади ва иқтисодий бандликнинг ортишига эришилади. Бу эса, пировардида фаровонликка ва даромад ошишига имкон яратади.

5. Самарқанд вилоятида қишлоқ меҳнат ресурсларининг табиий ўсиши билан бир қаторда яратилаётган иш ўринларининг етишмаётганлиги ҳамда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарали шакли бўлган фермер хўжалиқларининг ташкил бўлаётганлиги натижасида ортиқча меҳнат ресурсларини сиқиб чиқармоқда ва оқибатда ишсизлар сафини кенгайтirmoқда. Қишлоқ меҳнат ресурсларининг малакавий даражасининг пастиги туфайли улар меҳнатида бошқа тармоқларда фойдаланиш қийинлиги сақланмоқда. Шу сабабли, жойларда қишлоқ меҳнат ресурсларини малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз.

6. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси шакланган кичик шаҳарларда ва туман марказларида хизмат кўрсатиш ва саноат тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан рағбатлантириш қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Қишлоқдаги ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан банд қилишни нафақат ҳудудий масштабда, балки республика ҳамда халқаро масштабда кўриб чиқишни ва таҳлил қилишни тақозо этади.

7. Хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш органлари аҳоли ва меҳнат ресурслари, иш билан бандлик ва ишсизлик, меҳнатга лаёқатли ёшга етганлар ва бундай ёшдан ошганлар тўғрисида зарурий маълумотлар тўплаш манбаи ҳисоблансада, ҳозирги даврга келиб, айниқса, янги ахборот технологиялари шароитида меҳнат бозоридаги талаб ва тақлифни мувозанатлаштиришга етарли даражада

таъсир кўрсата олмаётганлиги асослаб берилди. Шунинг учун уй хўжалигидан тортиб, туман ва вилоят даражасигача бўлган, кўп қоғонали ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича янги автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва шу тизимда меҳнат аудитини ташкил этиш зарурдир.

8. Самарқанд вилояти қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг 2010 йилдаги баъорат кўрсаткичларига кўра, қишлоқда расмий иқтисодий банд аҳолининг ва меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари тенденцияларидаги ички тафовут ортиб бориши кутилмоқда. Яъни иқтисодий банд аҳолининг ўсиши 9,9 фоизга, меҳнат ресурсларининг ўсиши 18 фоизни ташкил этади. Келажақда салбий ижтимоий оқибатларга барҳам бериш учун иқтисодий банд бўлганлар сонининг ўсиш даражасини меҳнат ресурсларининг ўсиш даражасига яқинлаштириш йўллари таклиф этилди. Бандликнинг ортиши даромадларнинг ортишига, даромадларнинг ортиши истеъмолнинг ортишига, истеъмолнинг ортиши янги иш жойларининг ортишига олиб келади ва сабабий боғлиқликдаги занжирли ривожланишга асос бўлади.

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

1. Мустафақулов Ш.И. Қишлоқ меҳнат ресурслари. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали, Тошкент, 2001 й. №6, 26–28– бетлар.
2. Мустафақулов Ш.И. Комплексный подход к стимулированию занятости в Республике Узбекистан. // Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана» 2001 г., №6, -С.-28-29.
3. Мустафақулов Ш.И. Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш. // «Иқтисодиёт ва таълим», , 2002 йил, №1, 51–57– бетлар.
4. Мустафақулов Ш.И. Қишлоқ аҳолиси ва бандлик. // «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» 2002 йил, №2, 9–11– бетлар.
5. Салимов Б.Т., Мустафақулов Ш.И. Қишлоқ хўжалигида мулкчилик ва ишлаб чиқариш самарадорлиги. // «Иқтисодий ислохотларни эркинлаштиришнинг муаммолари» илмий–амалий конференция материаллари тўплами. ТДИУ, Тошкент, 2002 й. 37–43–б.
6. Мустафақулов Ш.И. Региональные особенности занятости трудовых ресурсов. // «Шестнадцатое международные Плехановские чтения» Москва, 2003 г. -С.-410-412.
7. Мустафақулов Ш.И. Региональные особенности занятости трудовых ресурсов на примере Самарқандской области. // «Современные аспекты экономики», № 22(50), Санкт-Петербург, 2003 г. -С.-232-235.
8. Урмонов Н.Т., Мустафақулов Ш.И. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар давомида юзага чиқаётган муаммоларни бартараф қилиш йўллари. // Конференция маърузалари тўплами: ТДИУ–Т., ноябр 2004й. –83–86 бетлар.
9. Салимов Б.Т., Мустафақулов Ш.И. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг аҳамияти. // Конференция маърузалар тўплами: ТДИУ–Т., ноябр 2004. –136 б.
10. Mustafakulov Sh.I., Gaffarov S.A. Regional aspect of a problem of employment rural youth. // Халқаро илмий–амалий конференция маърузалари тўплами: ТДИУ–Т., ноябр 2004й. –134–136 бетлар.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига даъвогар
 Мустафақулов Шерзод Игамбердиевичнинг 08.00.04 – "Микроиқтисодиёт"
 ихтисослиги бўйича " Қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланишни
 истиқболлаштириш" мавзусидаги диссертациясининг

Р Е З Ю М Е С И

Таянч сўзлар: Инсон потенциали тараққиёти индекси, меҳнат ресурслари, ишчи кучи, бандлик, меҳнат самарадорлиги, меҳнат аудити, меҳнат баланси, қишлоқ меҳнат ресурслари.

Тадқиқотнинг объекти: Самарқанд вилояти оила хўжаликлари, фуқаролар ўзини – ўзи бошқариш органлари ҳамда тадбиркорлик субъектларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизими.

Ишнинг мақсади: Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида минтақавий қишлоқ меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимини ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда, унинг истиқболдаги самарали ва оқилона фаолияти белгилаш билан боғлиқ илмий тавсия ҳамда таклифларни янги ахборот технологиялари шароитида ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методи: Тадқиқот маълумотларини тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш жараёнида таққослаш, ҳисоб – конструктив, мантиқий, танлаб кузатиш, иқтисодий – статистик ҳамда башорат қилиш усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тизимининг иқтисодий фазаларини алоҳида ўрганган ҳолда, яна бир фаза бўлмиш, яъни айирбошлаш фазасига устивор қаратиш таклифи; халқаро меҳнат тақсимоотида, ишчи кучи миграциясининг аҳамияти ва иқтисодий нафлилиги; меҳнат ресурслари шаклланиши ва ундан фойдаланиш тизимини таҳлил этишда янгича ёндашувлар; меҳнат ресурсларидан фойдаланишда давлат аралашувининг микроиқтисодий талқини; меҳнатнинг миқдорий ва сифат коэффицентлари орқали ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Меҳнат бандлиги хизмати ва ижтимоий ҳимоя бўлинмаларига, ассиметрик ахборот шароитида ҳисобот тарзида тайёрланадиган ва мавжуд вазиятга объектив баҳо бера оладиган маълумотлар тизимини тадқиқ этиш ва шу йўл билан меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ҳажмини башорат этиш билан туман меҳнат бандлиги хизмати ва ижтимоий ҳимоя бўлинмалари самарадорлиги имкониятларини кўрсатиш.

Қўллаш соҳаси: Илмий ишнинг назарий ва амалий таклифлари ва хулосалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирлигининг вилоят ва туман бўлимларида қўлланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Мустафакулова Шерзода Игамбердиевича на тему:
«Прогнозирование использования сельских трудовых ресурсов» на
соискание учёной степени кандидата экономических наук по
специальности 08.00.04-«Микроэкономика» (АПК)

Ключевые слова: индекс развития человеческого потенциала, рынок труда, трудовые ресурсы, рабочая сила, эффективность труда, аудит труда, баланс труда, сельские трудовые ресурсы.

Объект исследования: Всестороннее изучение системы воспроизводства региональных сельских трудовых ресурсов в условиях углубления экономических реформ, разработка научно обоснованных предложений по их эффективному использованию в перспективе на основе современных информационных технологий.

Метод исследования: Сбор данных для исследования, изучение и переработка данных, сравнение, расчётно-конструктивный, логические методы, выбор и слежение, экономико-статистические и прогнозные методы.

Полученные результаты и их новизна: Исследуя основные традиционные фазы воспроизводства трудовых ресурсов, предлагается изучение новой фазы-рыночного механизма распределения ограниченных трудовых ресурсов, экономическая полезность и значение миграции рабочей силы в условиях международного разделения труда, новый авторский подход проведения анализа системы формирования и использования трудовых ресурсов. Разработаны методы расчёта количественных и качественных коэффициентов, отражающих степень государственного вмешательства в использование трудовых ресурсов.

Практическая значимость: Разработанные научные рекомендации диссертации позволяют всесторонне изучить движение трудовых ресурсов Самаркандской и других областей, способствуют более глубокому изучению и прогнозированию ситуации на рынке труда.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Оценка ситуации на рынке труда в условиях асимметричности информации, прогнозирование объёмов спроса и предложения, выявление возможностей повышения эффективности работы районных отделов занятости и социальной защиты населения.

Область применения: Основные теоретические и практические рекомендации и выводы могут быть использованы в Министерстве труда и социальной защита населения и его областных отделах.

RESUME

Thesis of Mustafakulov Sherzod Igamberdievich for the academic degree of the Candidate of economic science, specialty 08.00.04 ~"Microeconomics"(AIC) on "Forecasting of rural labor resources usage"

Key words: Human Development Index, labor, labor force, employment, labor efficiency, audit of labor, balance of labor, rural labor resources.

Subject of the inquiry: comprehensive investigation of the regional rural labor regeneration system in conditions of deepening economic reforms, developing scientific recommendations for their efficient usage in future by employing modern ITS.

Aim of the inquiry: is in developing scientific recommendations and suggestions concerned with forecasting for efficient and rational operation of reproduction system of rural labor resources in condition of deepening economic reforms and new information technologies.

Method of inquiry, collecting research data, studying and analyzing data, comparing results, calculated-constructive, logical, selective monitoring, economic-statistic and forecasting methods.

The achieved results and their novelty: while studying main phases of regeneration of labor, recommended to study new phases such as, market mechanism for allocating limited labor resources in condition of international division of labor, economic utility and role of workforce migration in conditions of international division of labor, new approach of author for conducting analysis of the system of formation and usage of labor resources.

Practical value: scientific recommendations set in a dissertation allow for more complex investigation of labor force mobility in Samarkand region.

Degree of implementation and economic efficiency: evaluating the state of labor market in conditions of asymmetric information, forecasting volumes of supply and demand, finding capacities for rising efficiency of units of employment service and social protection, in tumans (counties).

Sphere of usage: Main theoretical and practical suggestions and conclusions can be utilized in developing programs for rising employment in regions and in developing statistical tables reflecting the situation in labor market.

Тадқиқотчи

